

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолияти бўйича маълумотларни олиш ТАРТИБИ

1. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) фаолияти бўйича маълумотларни олиш тартиби” Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқарувি органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

2. ОАК фаолияти бўйича маълумотларни олиш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқарувি органлари фаолияти-нинг очиқлиги тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида тартиба солинади.

3. Мазкур тартиб ўрнатилган тартибда ОАК фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиши ва ахборот олиш хуқукининг кафолатларини таъминлаш; қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятни ошириш ҳамда белгиланган тартибда ахборотни тарқатиш учун хизмат қиласи.

4. ОАК фаолияти очиқлиги қўйидаги принциплар асосида амалга оширилади: тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги; фаолиятнинг ошкоралиги ва шаффоғлиги; фаолият тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги; фаолият тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва қадр-қимматини тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётiga аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган хуқуqlари ва қонуний манфаатларига, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга бўлган хуқуqlariga риоя этиш.

5. ОАК фаолияти тўғрисидаги ахборотлар жумласига қўйидагилар киради:

ОАКнинг таркибий бўлинмаларининг хуқуқий мақомини белгиловчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар;

қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар;

қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларга ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;

ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқалар) тұғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тұғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тұғрисидаги маълумотлар;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий күрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар;

ОАК томонидан ўтказиладиган (ташкил этиладиган) очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тұғрисидаги маълумотлар;

бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тұғрисидаги маълумотлар;

ОАК томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи органлар тұғрисидаги маълумотлар;

ОАК Раёсати очиқ мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин;

ўз фаолияти тұғрисидаги ахборотларни ўз вақтида эълон қилиш.

6. ОАК фаолияти бўйича фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотлар қўйидагилардан иборат:

эксперт кенгашлари фаолияти ва аъзолари фаолияти тұғрисидаги хизмат ҳужжатлари;

апелляция комиссияси фаолияти ва аъзолари фаолияти тұғрисидаги хизмат ҳужжатлари;

ёпиқ аттестация ишлари ҳамда шунга мувофиқ тегишли тузилмалар фаолияти;

Тартиб-қоида комиссияси фаолияти тұғрисидаги хизмат ҳужжатлари;

ОАК аппарати ички хизмат ҳужжатлари;

ОАК Раёсати фаолияти ва аъзолари фаолияти тұғрисидаги хизмат ҳужжатлари;

илмий даражалар талабори ва тасдиқланғанларнинг аттестация ишига оид шахсий маълумотлари;

илмий унвонлар талабори ва тасдиқланғанларнинг аттестация ишига оид шахсий маълумотлари;

давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар.

7. Ахборотдан фойдаланувчи ва унинг ҳукуқлари ҳамда ОАК раҳбарларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг

очиқлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

8. ОАК фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари қўйидагилардан иборат: ахборотни эълон қилиш (чоп этиш); ахборотни веб-сайтга жойлаштириш ва янгилаб бориш; ахборотни тегишли жойларга жойлаштириш ҳамда янгилаб бориш; ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш; ОАК Раёсати очик мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш; сўров асосида уларга ОАК фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш.

ОАК фаолиятининг очиқлигини таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

9. Оммавий ахборот воситалари вакилларининг ОАК фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлашда:

ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакилларининг ОАК хузурида аккредитация қилинишини амалга оширади;

оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакилларини ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида олдиндан хабардор қиласди, уларга ўз касбига доир вазифаларини бажаришда кўмаклашади.

10. ОАК фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров оғзаки ёки ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) бўлиши мумкин.

Сўров рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилиши керак. Оммавий ахборот воситасининг ОАК фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Агар ахборотдан фойдаланувчининг сўровини кўриб чиқиши ОАК ваколатларига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичida юборилади, ахборотдан фойдаланувчи эса бу хақда хабардор қилинади.

11. ОАК фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади ҳамда қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.